

Ўткир Хайдавдалов*Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани 18-мактабнинг**Тарбия фани ўқитувчиси*

Хоҳлаганингча йиғлашинг мумкин. Лекин бирор нарса йиғлашингга арзимади. Камбағаллигинг ҳам, омадсизлигинг ҳам, қоқоқлигинг ҳам, хасталигинг ҳам. Чунки буларнинг ҳаммасини тўғирласанг бўлади. Аммо йиғлашингга арзийдиган хато бор. Бу Аллоҳдан узоқлик хатосидир. Агар сен Аллоҳни бой берсанг, унинг ўрнини бирор нарса тўлдиролмайди. Ана шу йиғлашингга арзийди. Доктор Мустафо Маҳмуд. Мисрлик олим.

Тарбияда бўшлиқ қандай ҳосил бўлади

(Ёхуд уни тўлдириш йўллари)

Кейинги пайтларда тарбиядаги бўшлиқ ҳақида кўп гапирилмоқда. Бу гапирилётган гаплар илмий жамоатчилик ва тарбияга масъуллар томонидан жиддий қабул қилинмади, шекилли, бу гапларнинг ҳовури анча босилиб кетди. Лекин, ҳақиқатда, тарбияда бўшлиқ бор гап.

Бор бўлганда ҳам, жиддий бор гап, ҳал қилинишини кечиктириб бўлмайдиган гап. Чунки: “Ким бадахлоқ болаларни тарбия этса, инсониятга катта душманлик қилган бўлади” (Абдурауф Фитрат) -дегани каби инсониятга ёки миллатга душманлик қилиб қўймаслик учун ҳам кун тартибига шитоб билан қалқиб чиққан гап бу. Бу гапларнинг жиддийлигини азалдан сезган Абдулла Авлоний ҳазратлари бир вақтлари: “Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот”, -деган эди.

Бугун мактабларимизда оддий уятдан, шармдан, ҳаёдан, ифбатдан, ҳурмат, иззат каби туйғулардан узоқ бўлиб катта бўлаётган ўғил-қизларимиз бадахлоқ эгалари бўлади. Уларни тарбиялаётган мактаб миллатга душман бўлмай ким душман бўлади?! Ёки ўз устозини уриб, дупослаб тан жароҳати етказган дабанг-дабанг ўқувчи-йигитлар ҳайдалмай қолаётган мактаблар қандай мақомдаги мактаблар бўлади? Бундай мактабларнинг инсониятга душманлик даражаси қанча? Буларни ким аниқлаб беради?

Нима бўлганда ҳам тарбиядаги бўшлиқ жиддий нарса. Миллатнинг эртанги кунини белгилайдиган нарса. Бу бўшлиқни тўлдириш мумкин ё мумкин эмаслиги тўғрисида кейинги саҳифаларда ўқиймиз. Бу ҳақда дунё олимлари турли гапларни айтганлар.

Аслида, тарбияда бўшлиқ ҳар томонлама тўлиқ тарбия бермасликдан, балки енгил-елпи бир томонлама ё икки томонлама, ёки номигагина расмий тарбия беришликдан, расмиётчиликдан келиб чиқади. Гарчи шундай бўлсада, бу ерда инсон табиатини билмаслик асосий муаммо сифатида кўрилади.

Тарбиядаги бўшлиқ масаласи инсоннинг табиатига боғлиқ масаладир.

Табиатда бўшлиқ бўлмагани каби, инсон табиатида бўшлиқ бўлиши мумкин эмас. Тарбия бузилди дегани, тарбияда бўшлиқ ҳосил бўлди дегани бўлади.

Тарбияда бўшлиқ - бу инсон камолотидаги ноқисликдир. Яъни бўш тарбия билан бола ҳеч қачон камол топмайди деганидир. Минг йил ўтса ҳам, ё миллион йил ўтса ҳам, ёки бутун бир авлодлар баҳслашиб ўтиб кетса ҳам боланинг тарбиясида ўзгариш бўлмайди деганидир. Тарбиядан мақсад инсонни комил қилишдир.

“Ноқис улдириким, ўзин комил дегай,

Комил улким, нуқсин исбот айлагай”-дейди Навоий ҳазратлари. Яъниким, комиллар нуқси-айбларини йўқ қилиб ўз тўқислигини исбот айласа, ноқислар комилман деб тарихини мақтаниб юргайлар. Ноқислар илмда ризқи кесилган ва одобда даргоҳдан қувилган кишилардир. Ва яна одобсизлик қилса, мол боқишга юборилишга мўлжалланган кишилардир.

Ноқислик - бу нотугалликдир. Ноқис бўлиб ўтди дегани, бу армон билан ўтди дегани бўлади. Армоннинг тескариси оромдир. Ором тугалликни, комилликни ҳис қилганда ҳосил бўлади. Тугал нажотни ҳис қилиш ҳам оромдир. Бунда инсон ҳаётида афсус, надомат, шикоят содир бўлмайди. Шикоят, ачиниш ҳаммаси армонда, армон билан ўтганда, умрни ноқисликка - ҳой-у- ҳавасга йўйганда содир бўлади.

Тарбияда бўшлиқ мана шундай фалокатдир. Чунки бўшлиқ бор жойда суянчиқ бўлмайди. Фақат тойилиш, йиқилиш бўлади. Масалан, ҳаво бўшлиқдан иборат. Ҳавога суяниб бўладими? Албатта бўлмайди. Ҳавога суянганлар йиқилади, кулайди. Инсонда **“Нафси ҳаво”** ёки **“Ҳавойи нафс”** деган сифатлар бор. Бу сифатлар ҳам шундай ҳаво каби бўшлиқдан иборат. Нафси ҳавога суянганлар кулайди, йиқилади, шарманда бўлади, инсоннинг боши ташвишдан чиқмай қолади. Бунга бугунги ҳаётда ва узоқ-яқин ўтмишда мисоллар талайгина.

Ана энди очикроқ қилиб, илмий айтадиган бўлсак тарбиядаги бўшлиқдан мурод-бу нафси ҳаводир. Бунинг сафига жоҳиллик ҳам киради. Жоҳилликдан мурод билмасликдир, билса ҳам билмасликка олишлиқдир ёки билса ҳам билимига амал қилмасликдир. Ҳаммаси бир жоҳилликдир. Ҳаммаси бир бўшлиқдир.

Агар ўтмиш улуғларимизга назар соладиган бўлсак, уларни кўрқитган энг ёмон нарса ҳам **“нафси ҳаво”** бўлган. Яъни **“ҳавойи нафс”**нинг домига тушиб қолишдан кўрқиш бўлган. Ҳавойи нафснинг таърифи жуда ёмондир ва оқибати жуда оқибатсиздир. Биз ҳам нафси ҳаводан кўрқмагунимизча тарбиядаги бўшлиқни тўлдиролмаймиз. Чунки ҳавойи нафс ҳақдан қайтаради, Ҳақ таолодан - Аллоҳдан қайтаради. Аллоҳнинг тарбиячилигидан қайтаради. Роббил Оламиннинг **“Робб”** деган сифати бор. Ана шу сифат Аллоҳ таолонинг меҳрибон тарбиячилиги бўлади. Бу тарбиячилик энг бирламчи тарбиячиликдир. Бу тарбиячиликка тенг келадиган тарбиячиликнинг ўзи асло бўлмайди.

Нафси ҳаво ва жоҳиллик мана шу тарбиячиликни тан олдирмайди. Тарбиядаги бўшлиқ мана шундай содир бўлади.

Афсуски, бу бўшлиқнинг ўрнини осонликча тўлдириб бўлмайди. Чунки У Зотнинг ўринбосари ёки муқобили йўқ. Ўринбосар дегани бир кун келиб ўрнини

босади деганидир. У зотнинг ўрнини ҳеч ким босолмайди ва Унга ҳеч ким тенгдош бўлолмайди. Чунки У Зот нафақат инсониятнинг, балки бутун оламларнинг яратувчиси ва тарбиячисидир. Шунинг учун ҳам муаллимларнинг муаллими бўлган Ҳазрати Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тўлиқ тарбиячилик ҳақида гапира туриб шундай деганлар:

“Авлодларингизни, биринчидан: “Аллоҳни севадиган қилиб тарбияланглар...”

Иккинчидан: “Аллоҳнинг Расулини севадиган қилиб тарбияланглар...”

Учинчидан: “Аллоҳнинг Китобини севадиган қилиб тарбияланглар...”

Бу севгиларга изоҳ шарт бўлмаса керак. Чунки ҳамма нарсанинг боши муҳаббатдир. Масалан, ёмонликнинг боши дунёга муҳаббатдир. Ва аксинча яхшиликнинг боши Аллоҳга муҳаббатдир.

Мана шу яхшиликка бош бўладиган муҳаббат бизга жуда керак. Чунки бу муҳаббатсиз биз ҳеч қачон тарбиядаги бўшлиқни тўлдиролмаймиз.

Хўш, унда бизнинг тасаввуримздаги муҳаббатимиз нима бўлади? Нима бўларди, унинг тескариси бўлади. Муҳаббатимиз бошқа томонларга оғиб кетади. Масалан, солиҳ зотлардан бири Ас-Суламий ҳазратлари: “Аҳли дунёлар билан кўп гаплашмоқ киши қалбига дунё муҳаббатини солади” -дегани каби қалбимизга бемалол дунё муҳаббати кириб келаверади. Чунки, аҳли дунёлар бизда унча муаммо эмас.

Шунинг учун бўлса керакда ўтмишда ўзини билган аҳли солиҳлар, аҳли устозлар ўз қалбларини бузиб қўймаслик учун дунёпараст кишилар суҳбатидан қочиб юрганлар.

Афсуски, бугунги кунда материалистик(дунёпарастлик) руҳида тарбия топган педагоглар суҳбати - дарсидан боланинг қалби нимага мойил ўсаётгани ҳеч кимга сир эмас. Чунки бола қалби оппоқ қоғоз, нима чизилса, нимага мойил қилинса, ўшага мойил бўлиб ўсаверади. Боланинг қалби улуғ жавҳарга мойил бўлиб ўсмаса, афсуски унинг акси бўлади, яъни боланинг қалби хой-у ҳавасларга, мол-дунёларга мойил бўлиб ўсади.

“Мен сизлар учун фақирликдан қўрқмайман”- дейди Ҳазрати муаллим Пайғамбаримиз(с.а.в). Балки: “Мол дунё сероб бўлиб, талашиб кетишингиздан ва талашиб ҳалок бўлишингиздан қўрқаман”-деб, миллатнинг ҳалокати мол-дунёдан бўлишини, мол-дунё талашишдан бўлишини айтганлар. Ҳозирда кенг ёйилиб кетган “таъма”, “таъмагирлик”, “пора”, “порахўрлик”, “коррупция” ана шу талашишларнинг бир кўринишларидир, холос.

“Ҳар бир миллатнинг фитнаси бор” – дейилади манбаларда. Агар огоҳ, сергак бўлмасак, миллатимизнинг фитнаси “мол-дунё” бўлиб қолишлиги ҳеч гап эмас.. Бунда, албатта, боланинг қалбига экиладиган майл, ҳирс, муҳаббатнинг ўрни катта бўлади.

Шунинг учун болаларимизни ҳимматли қилиб тарбиялашимиз керак бўлади. Кўп нарса ҳимматга боғлиқдир. Иброҳим Қассор(қ.с) деган валий зот айтади: “Ҳар бир инсоннинг қиймати ҳимматига кўрадир. Агар ҳиммати дунё бўлса, унинг қиймати

йўқ. Агар ҳиммати Аллоҳнинг розилиги бўлса, унинг қиймати ниҳоясини тасаввур қилиш ва ундан воқиф бўлиш мумкин эмас”.

Бундан билинаптики, боланинг қиймати Аллоҳнинг розилигини топишдадир. Бу розилик Аллоҳнинг муҳаббатига боғлиқ улуғ неъматдир.

Ана энди юқоридаги манбада айтилган уч севгининг изоҳини кўриб чиқсак бўлади:

1) **Биринчидан**, “Аллоҳни севадиган қилиб тарбияланглар”-деган чақирикка мувофиқ болани Оламларнинг Роббиси бўлган Аллоҳни “севадиган қилиб тарбиялаш” керак бўлади. Ана шунда бола келажагининг қийматини тасаввур қилиш қийин бўладиган улуғ келажаклар бизни кутиб олади.

Улуғ ҳаким зотлардан бири айтадики: “Кимки, дарвешлар(аҳли солих) суҳбати ўрнига давлатманд кишилар суҳбатини ихтиёр қилса, Ҳақ таоло унинг қалбини ўликликка мубтало қилади”(Абу Усмон Мағрибий)

Демак, бу ерда, бало давлатманд кишилар суҳбати. Ҳудованд-аҳли солих кишилар суҳбати эмас. У дарвешлар Аллоҳнинг ошиқлари бўлиб, қалбида ўз Роббисига муҳаббат ёнади. Бу ерда, Аллоҳнинг ишқидан узоқ бўлганлар суҳбати киши қалбини ўликликка мубтало қилмоқда. Худди шунга ўхшаб ёмон дарслар ҳам бола қалбини ўликликка олиб боради.

Қалбининг ўлиши инсонда инсонийликни тамом қилади. Инсонийликнинг қиймати йўқолиб кетиб, чорва ҳайвонларига тенглашадиган бўлиб қолади. У ҳақ билан ботилни ажратолмай ҳалок бўлади.

Аллоҳни севадиган қилиб тарбиялаш тарбияда бирламчи катта ютуқ бўлиб, болани камчилиги йўқ энг улуғ мақомга кўтаради. Бу мақомда бола Аллоҳнинг айтганини қиладиган ва қайт деганидан қайтадиган бўлиб қолади. Албатта, Аллоҳ барча яхшиликларга буйиргани, барча ёмонликлардан қайтаргани илмий собитдир. Бу катта бахт бўлиб, бунда бола инсоннинг инсонийлигини йўқотадиган барча разолатлардан қутулган бўлади. Чунки Аллоҳнинг муҳаббати жойлашган қалбга бошқа нарсанинг муҳаббати жойлашмайди. Шундай қилиб, бола дунёпарастлик, манфаатпарастлик, маишатпарастлик, дабдабапарастлик каби кўплаб гумроҳ қилувчи иллатлардан қутулган бўлади. Қисқаси, “Аллоҳнинг хулқи билан хулқланишлар”-деган шиорга мувофиқ бола Аллоҳнинг хулқи билан хулқланишга ўтади. Ана шу хулқланишга қаратилган хулқлар биз тополмаётган хулқлар ҳисобланади. Буюк аср боболаримизнинг хулқлари мана шундай хулқлар эди.

2) **Иккинчидан**, ана энди “Аллоҳнинг Расулини севадиган қилиб тарбияланглар” деган ўғитга мувофиқ Аллоҳнинг Пайғамбарини севадиган қилиб тарбиялашга ўтилади. Чунки Аллоҳнинг муҳаббати билан Пайғамбарнинг муҳаббати олдин-кейин келади ва бир-бирига боғлиқ ҳисобланади. Аллоҳ махфий-кўзга кўринмай келади, Пайғамбар ошкор- халққа аралашиб келади ва халқни тарбиялашда Улуғ Аллоҳга воситачи-элчи бўлади. Шунинг учун Аллоҳнинг ўзи марҳамат қилиб, “Расул сизга нимани берса, олинг ва сизни нимадан қайтарса, қайтинг”-деб ўз бандаларига Расулига эргашишга кўрсатма беради. Шундай қилиб пайғамбарларга эргашиш

бандасига вожиб бўлиб қолади. Чунки ким Аллоҳни севса ва кўп эсласа, ўша севги ва эслашнинг исботи учун жонли намуна, жонли ибрат керак бўлади. Ана шу ибрат ва намуна пайғамбарларда бўлади. Шунинг учун улар инсониятнинг саралаб, саралаб олинган муаллимлари бўлади. Инсониятни тарбиялаб вояга етказиш учун бутун тарих мобайнида бир юз йигирма тўрт(124) минг муаллим саралашга тўғри келган. Инсониятнинг тарбияси камолга етиши билан муаллим танлаш тўхтаган. Шундай қилиб, энг комил инсон охириги танланган муаллим Ҳазрати Муҳаммад(с.а.в) бўлиб қолган. Албатта, у зотнинг комиллигини дўст-у -душман бирдай тан олган. У зотнинг сифатларига, таълимотларига бугунги кунда бутун дунё муҳтож эканлигини буюк ақл эгалари айтиб ўтган. Масалан, катта инглиз мутафаккири ва ёзувчиси Бернард Шоу айтадики: “Агар Муҳаммад пайғамбар тирик бўлганида, замонамиз муаммоларини бир пиёла чой устида ҳал қилиб берарди”.

Бу ҳал бўлишда тарбия масаласи ҳам четда қолмасди, албатта.

Яна бир Ғарб олими айтадики :”Машҳур пайғамбарлар ва фотиҳлар орасида ҳаёти Муҳаммад(а.с)нинг тарихидек энг кўп ва барча нуқталаригача батафсил ўрганилган тарихий шахс йўқ”(Инглиз олими Жон Давенпорт).

Ҳа, бундай ўрганилишига сабаб миллатнинг ўз пайғамбарига бўлган чексиз муҳаббати эди. Албатта, бундай муҳаббат топилмас, бетакрор муҳаббат эди. Ер юзи муҳаббат кўриб бундай муҳаббат кўрмаган эди. Хабарларда келишича, ҳатто, У зотнинг туфлаган тупуклари, узилган соч толалари ерга тушмас эди. Ихлосманд умматлари уларни табаррук санаб оларкан, безътибор қолдирмас эканлар. Чунки, У зотнинг ҳар сонияси бир ғанимат, ҳар бир ўтиришлари, туришлари бир ибрат, бир намуна эди. Қисқача қилиб айтганда, У зотнинг бутун ҳаётлари тарбия, тарбия ва фақат тарбияга буркалган эди, ўзлари жонли ибрат номунаси эди.

Бас, шундай экан, тарбияни ва тарбияда ибратни бошқадан қидириш хатони қидириш билан ва охири йўқ йўқликка маҳкум бўлиш билан баробар бўлади. Ва буни рад этишга илм тополмай, далил, исбот тополмай сарсон бўлишликни бўйнига олган бўлади.

Дунёнинг энг буюк китоблари у зотнинг ҳаёти ва ижоди-угитига бағишланган китоблар эди

3) **Учинчидан**,ана энди “Алоҳнинг Китобини севадиган қилиб тарбияланглар”- деган чақириққа мувофиқ Аллоҳнинг китобини севадиган қилиб тарбиялаш шарт бўлади. Шундай қилмаса, бўлмайди. Чунки шундай қилмаса инсоният “Китоб” немъатнинг таъмини тотолмай қолади. Энг ўқиб тўймайдиган китоб бу –Аллоҳ талолонинг китоби бўлади. Ҳеч бир оддий ўқувчи ёки ҳеч бир илм кишиси бу китобни ўқиб тўймапти ва тўймайди ҳам.

Бу Китобнинг яна бир хусусияти, унинг мўъжизакорлигидир. Мўъжиза инсониятни ожиз қолдиради. Ожизлик-ақл етмасликдир. Яъни бу Китоб инсоннинг ақлини лол қолдиради. Ҳа, бу китобнинг ақли лол қолдирувчи хусусиятлари тўхтамайди. “Қуръоннинг илмий мўъжизалари” деган алоҳида китоблар ҳам ёзилгани

ҳам Қуръоннинг илм бобида замонавий олимларни лол қолдириб келаётгани ҳам рост.

Бу Китобнинг яна бир хусусияти шундаки, бу Китоб инсониятнинг биз билмаган келажакларини олдиндан айтиб бера олади. Масалан, ўлимдан кейинги ҳаётни ҳеч ким билмайди ва ҳеч бир китоб айтиб беролмайди. Лекин бу Китоб ўлимдан кейинги ҳаёт-охиратда инсониятни нима кутаётганини айтиб берувчи ягона китоб ҳисобланади. Ва шу хусусияти билан инсоният ҳаётига мазмун олиб киради. Инсоннинг масъулиятини оширади. Агар ўлимдан кейинги ҳаёт бўлмаса, инсоният ҳаёти ҳайвон ҳаётидан фарқ қилмайдиган мазмунсиз ҳаёт бўлиб қолади.

Бу Китобнинг яна бир хусусияти шундаки :“Албатта, Сиз буюк хулқ узрадирсиз” - деб бир инсонга баҳо бериб инсониятга энг тарбияли инсонни кўрсатиб беради. Ва “ У зотнинг ахлоқи Қуръон эди”деб иккинчи манба Қуръоннинг ахлоқ манбаи эканлига ишора қилади.

Демак, энг тарбияли инсонга ахлоқ бўлган бу Китоб ҳамма-ҳамма халқларига ахлоқ бўлиши ҳам турган гап. Ахлоқ, биз биламизки, тарбиянинг биринчи унсури. Бу билан Қуръоннинг бутун борлиғи тарбиядан иборат эканлиги келиб чиқади.

Мана тарбия нимага боғлиқ бўлади, деган саволга баҳоли қудрат жавоб топишга ҳаракат қилдик. Ҳамма нарсанинг боши муҳаббат экан, ана шу муҳаббат бобида ғафлатда қолиб кетмайлик, азизлар!

Мана, оддий бир мисол, масалан бир ўқувчи бола оддий бир ўқитувчига муҳаббат қўйса, нима бўларди, ҳаммаси ўзгаради. Натижа ҳам бошқача бўлади. Бу ҳолатда бола устоз берганини олади, қайт деганидан қайтади. Дарсда юз фоизлик натижа юз беради.

Энди инсоният сал ғафлатдан уйғониб, бутун Оламлар Роббисига муҳаббат қўйса, майл уйғотса, нима бўлади? Нима бўларди, ҳаммаси ўзгаради. Илмда инкилоблар бўлади. Одобда юксалишлар юз беради.Тарбиянинг бошини ҳам, ўртасини ҳам, охирини ҳам тополмай ётган бир пайтимизда ҳаммаси жойига тушарди, миллат мукамал тайёр тарбия дастурига эга бўларди. Бу тайёр дастур Аллоҳ таолонинг ўзи китобида: “Ана, энди бугун, динингизни камолга етказдим”(“Моида” сураси, 3-оят)- деб айтгани каби камолга етган дин бўлади.

Рус файласуфи Лев Толстой айтади: “Дин инсон билан уни яратган Холик орасидаги алоқани барпо қилади. Одамларни яхши йўлга бошлайди. Ишларида уларнинг йўлини ёруғ қилади. Агар дин бўлмаса, одамлар тилсиз ҳайвондан, ҳатто ундан ҳам паст даражага тушиб кетади”.

“Тилсиз ҳайвон”дан ҳам пастга тушиб кетмаслик учун ҳам диннинг бошини тутмоғимиз лозим бўлади. Дин - Аллоҳнинг айтгани, қайт деганидан қайтгани бўлиб, инсониятни мукамал бахтли қилиш хусусиятига эга ягона мукамал таълимотдир. Бундан бошқа нарса эмас. Бу борада рус файласуфи ҳақ гапларни айтган.

Бугун атрофимизга теран назар билин қарасак, дунёда нималар бўляпти. Масалан, эркагини эркагига никоҳлаш(қўшиш) ҳайвонларда йўқ. Лекин бу нарса инсонларда бор. Инсоният бу борада нима қилиб қўйгани ҳаммага маълум. Ҳатто

айрим жойларда расмий характерга эга, қонунан ҳимоя қилинади. Бесоқолбоз(ливоттачи)ларнинг расмий уюшмаси борлиги ҳам маълум. Фоҳишабозларнинг ҳуқуқини ҳимоя қиладиган инсон ҳуқуқлари ташкилотлари шакллангани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Бузуқчиликни ҳимоя қиладиган ҳайвонлар ташкилоти борми ё йўқми, лекин бу ҳали бизга номаълум.

Инсониятни мана шундай ҳайвондан ҳам паст даражага тушиб кетишдан ёппасига мукаммал асрайдиган руҳий-маънавий таълимотга муҳтожлиги доим сезилиб туради.

Юқорида тарбиядаги бўшлиқ инсоннинг табиатига боғлиқ деган эдик. Аллоҳ таоло инсоннинг тарбиялайдиган комиллик дастурига эга бўлинади. Ўтмишда кўп аҳли солиҳлар бу дастур билан оламни эгаллаган, дунёни ҳайратга чўмдирган.

Ана шундай аҳли солиҳлардан бири шайх Жамолуддин айтади: “Агар Аллоҳ таоло бизни ҳақ дин билан икром қилмаганда, итдан ҳам баттар бўлардик”.

Аччиқ гап, лекин аччиқ ҳақиқат ҳамдир. Бу ҳам маълум нарса.

Масалан, ит итни маълум пул эвазига сотиб, “ит савдоси”ни уюштиргани ҳақида бизда маълумот йўқ. Лекин бу нарса инсонларда бор. Бир-бирига пора бериш итларда йўқдир. Коррупция уларнинг ақл жавонига сиғмас. Бир-бирига афюн сотиб бир-бирини зимдан қириш ҳам уларда йўқдир. Лекин инсоният цивилизацияси бу рўйхатларда ҳам анча цивилизация қадамларни ташлаган. Демак, цивилизация – маданий тараққиёт бу ҳали маънавий тубанликнинг ечими эмас.

Энди бу гапларни тўхтатиб, хулосавий хотимага ўтсак, шу нарса маълум бўляпти-ки, Ҳақ таолога муҳаббат қўйганлар охири-оқибат Унинг ҳақ динига етиб келади. Дин эса инсонларни ҳайвонлик даражасига тушиб кетишдан асрайдиган ягона мукаммал илоҳий таълимотдир. Диннинг асоси эса Куръон ва Суннатдан иборат. Аллоҳ таолонинг нимага буюргани ва нимадан қайтаргани Куръони Каримда мужассамлашган бўлса, ана ўша мужассамлашган буйруқ ва қайтариқларни ипидан игнасиғача чиройли қилиб бажариб, амалда ижро этиб, жонли намуна бўлиб кўрсатиб ва “тирик Куръон”га айланган зот Унинг Расулидир.

Шундай қилиб, янаям ихчам хулоса қилиб айтадиган бўлсак, фарзандларни “Аллоҳни севадиган қилиб” тарбиялаш Унинг Расулини ва Унинг Китобини севишга олиб келади. Бу икки севги тайёр мукаммал тарбия дастурига олиб боради. Бу дастурни олмаслик маржонни қўйиб, саҳро қумини олганлик билан баробар бўлади. Саҳро қумига қанча сув қуйсангиз ҳам сўриб кетавергани каби ва уни тўлдириб бўлмагани каби инсоният ҳам мукаммал тарбияни олмаса, ҳеч қачон тарбияни тўлдиролмаслик касалига чалинганини ўзи ҳам билмай қолади.

“Аллоҳнинг яратганини ўзгартириб бўлмас”(Рум сураси, 30-оят)

Бу ҳам айни ҳақ гап. Зурма-зураки сунбий таълимотлар бугун каттани ҳам, болани ҳам чарчатди. Бундай таълимотлар билан боланинг умрини бекорга совиршиш яхши эмас. Бу яхшилик келтирмайди, болани комил қилмайди.

“Аллоҳнинг яратганини ўзгартириб бўлмас. Ушбу дин тўғри диндир. Лекин одамларнинг кўпи билмаслар”(Рум сураси, 30-оят. Маънолар таржимаси)

Ҳақиқатдан одамларнинг кўпи билмайди. Биз ҳам ҳозирча “билмаслар” сафидамиз. Лекин кўҳна тарихимизга нисбатан бу иборани қўллаб бўлмайди. Ўрта асрнинг боболари буни билар эдилар ва бошқа нарсаларни ҳам билар эдилар. Шунинг учун уларда тез-тез “Илм кўзғолонлари” бўлиб турар, “Маданий инқилоблар” ясалар, “Буюк ренсанслар” юз кўрсатиб турарди

Чунки, миллатнинг табиати жойига тушган эди. Комилликка йўл очилган эди.

Ўткир Ҳайдавалов. Ўқитувчи.